

Ҳасаддан сақланайлик!



13:30 / 02.05.2019 3651

Ҳасад динимизда қаттиқ қораланган иллатлардан биридир.

Ҳасад – бировдаги неъматнинг ундан кетиб, ўзига келишини хоҳлашдир. Бу неъмат хоҳ дунёвий бўлсин, хоҳ диний бўлсин, фарқи йўқ. Бошқача қилиб айтганда, ҳасад бировнинг ютуғини, муваффақиятини кўролмаслик, ичиқоралиқдир. Ҳасад динни бузадиган, мўминга азият берадиган салбий иллатдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда ҳасадгўйларни ёмонлаб шундай деган: “Ёки (улар) Аллоҳ Ўз фазлидан берган неъматлари учун одамларга ҳасад қилишадими?” (Нисо, 54).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бир ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қилганлар: “Ҳасаддан сақланинглар! Чунки, олов ўтинни

еганидек, ҳасад ҳам яхшиликларни еб битиради”.

Ҳасад шу қадар ёмон иллат бўлганидан Аллоҳ таоло ундан паноҳ тилашга буюриб шундай деган: “(Эй, Муҳаммад!) Айтинг: “Паноҳ тилаб илтижо қилурман тонг Парвардигорига, яратган нарсалари ёвузлигидан, зулматга чўмган тун ёвузлигидан, тугунчаларга дам солувчи аёллар ёвузлигидан ҳамда ҳасадчининг ҳасади ёвузлигидан” (Фалақ сураси).

Ҳасад Аллоҳ таолонинг берган тақсимотига рози бўлмаслик аломатидир. Чунки, ҳасадгўй “Оҳ, қанийди фалончининг молу давлати, обрў иззати унда эмас, менда бўлганда, роҳат-фароғатда яшар эдим” қабилдаги хомхаёлларни қилади. Албатта, бу каби сўзлар Аллоҳнинг берган ризқига қаноатсизлик белгиси ҳисобланади. Ҳолбуки, Аллоҳ бир неъматни бировга бекордан-бекорга бермайди. Бунинг сир ва ҳикмати Ўзигагина аёндыр.

Банда ҳасад қилгани билан ўша неъматни йўқ ҳам, ёрдам қилгани билан бор ҳам қила олмайди. Шунинг учун ҳам ҳасадгўй доимо умидсизлик ва ҳасрат доғида эзилиб юради. Қанча мол-дунёга эга бўлмасин, қалбидаги ҳасад илллати борлиги учун ўша молидан фойдаланиб, роҳат фароғатда яшай олмайди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мўмин одам ҳавас қилади, мунофиқ одам эса ҳасад қилади” деганлар.

Ҳазрати Али розиялоҳу анҳу шундай деганлар: “Ҳасад ҳасадгўйнинг адоватидан, кибр ва бадбахтлигидан келиб чиқадиган ёмон иллатдыр. Шунинг учун ҳасад қилувчи доимо руҳий азобда яшайди. Бир кишининг муваффақиятини кўргани ҳамон ҳасад оловида ёнади. Ҳасадгўйга бундан ҳам қаттиқ жазо бўладими?!”

Биз юқорида айтдикки, агар бировдаги неъмат ундан кетиб, ўзига келишини истаса, бу ҳасад бўлади. Ушбу ҳасад ҳар қандай ҳолатда ҳам қаттиқ қораланган, қайтарилган иллат, уни қилиш эса оғир гуноҳдыр.

Агар бировдаги неъмат ундан кетишини истамай, ўзида ҳам ўшандай неъмат бўлишини хошлаш ҳавас дейилади. Бу нарсадан эса қайтарилмаган, аксинча, мақталган.

Албатта, ҳасад ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг ўзига хос сабаблари бўлади. Ўша сабабларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- Адоват;
- Кибр;

- Ужб;
- Мансабпарастлик;
- Нафснинг нопоклиги;
- Бахиллик;
- Ғийбат;
- Бўхтон.

Баъзи донишмандлар айтишган: “Ҳасадгўй ҳеч қачон мақталмайди, балки, фақат ёмонланади, пасткаш деб билинади, фаришталар томонидан уларга фақат лаънат ва ғазаб бўлади, ёлғиз ўзи ўтирганда доим безовта ва ғамгин бўлади, бошига қийинчилик тушганда уни қаттиқ қўрқув қамраб олади, дўзахда эса даҳшатли азоблар, қайноқ ҳарорат ва ёнишга мубтало бўлади”.

Азизлар, келинлар, ҳасадгўйларнинг ҳасадларига сабрли бўлайлик! Чунки, бизнинг сабримизнинг ўзи ҳам уларни жуда қийин аҳволга тушишларига етиб ортади. Олов ўзига агар ёндирадиган бирор нарса тополмаса, ўзини ўзи ёндиради. Тилларимизни сақлайлик, ҳасадгўйларга ҳеч нарса демайлик! Чунки, ҳамма бало тилдан бошланади.

Аллоҳ таоло барчамизни ҳасад иллатидан ва ҳасадгўйларнинг ёмонлигидан асрасин. Омин!